

Собир Абдулла



# Тоҳир ва Зухра

*Уч парда, олти кўринишли  
музикали драма*

(Қайта ишланган олдинги  
варианти)

## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Тоҳир — 20 ёшда.

Зуҳра — 20 ёшда.

Юлдуз — Зуҳранинг бош канизаги, 22 ёшда.

Қамар — Зуҳранинг хос канизи, 18 ёшда.

Сардор — бадарға, халқ оқсоқоли, 60 ёшда.

Нозим — Халқпарвар сарой шоири, 50 ёшда.

Боҳир — Тоҳирнинг отаси, сарой мергани, 40 ёшда.

Ҳофиз — Қувғин қилинган санъаткор, 60 ёшда.

Қодир — Тоҳирнинг дўсти, Қамарнинг хуштори, 18 ёшда.

Моҳим — Хоразм хонининг эрка қизи, 20 ёшда.

Аллома тхон — Хоразм хони, Моҳимнинг отаси, 65 ёшда.

Абуқосим — Сандиқсоз, 60 ёшда.

Ҳусайн — Хон бобонинг вазири, Қоработирнинг отаси, 70 ёшда.

Қоработир — Ҳусайннинг ўғли, 30 ёшда.

Хонбобохон — Зуҳранинг отаси, хон, 65 ёшда.

Жуманиёз — Хоразм хонининг сипоҳи.

Сипоҳлар, сарой аҳллари, мунажжим, қувғиндилар,  
эрлар, аёллар.

## МУҚАДДИМА

Икки сарой жарчиси немоишкорона айюҳаннос солмоқда.

### I жарчи

О, шаҳардаги одамлар, боғда битган бодомлар.  
Эшитмадим деманглар, эшитганлар жилманглар.

### II жарчи

Хон Бобохон қиз кўрди, юзини шодликка бурди,  
Етса агар камоли, ойга ўшар жамоли.

### I жарчи

Туққан борми шу куни, мукофотлар хон уни,  
Фарзанд кўрган халойиқ, бўлур ҳурматга лойиқ.

### Иккиси

Кимнинг бориш ўйи бор, суюнчига қўйи бор,  
Олиб, Урдага бора берсин...

Хон саройида қабулхона, сарой аҳллари хоннинг бу ерга чиқишини  
кутиб, куйламоқдалар.

## Сарой аҳллари

Шоҳларнинг шоҳидирсан, барча бош хамдир сенга,  
Халқлар қулдир, шаҳаншоҳлик мусалламдир сенга.  
Шоҳ Искандар каби қил фатҳи олам муддао,  
Қайсару, Фағфуру Доро давлати камдир сенга.

Хон

(чиқиб)

Салом сизга, уламолар, боёнлар,  
Амалдорлар, юртга ҳукми равонлар.

## Сарой аҳллари

Қутлуғ бўлсин фарзанд билониҳоя,  
Шафқатингиз бизнинг бошларга соя.

Боҳир йўрғакда бола кўтариб кириб, хон оёғига йиқилади ва болани  
тутади.

Боҳир

Бир ўғил фарзанд кўриб, келтирди банданг хушхабар.

Хон

Хуш келибсан, бахту давлат ёрлақар дамдир сенга.

Энага йўрғакли Зухрани кўтариб чиқиб, Хонга узатади ва Боҳир-  
нинг боласини ҳам қўлга олади, шундан кейин болалар рақси ижро  
этилади.

— Еддан чиққан бир оилам қиз туғмиш,  
Оналари бу фарзандни келтирмиш.

Сизлар шоҳид, мен сўзласам сўзимни,  
Икки қилдим, фарзандим ёлғизимни.  
Ажратмасдан мен Урдада сақлайман,  
Катта бўлса куёвликка ёқлайман.

Боҳирга ҳамён пул аҳсон қилади ва болаларни мунажжимга узатади.

Э, мунажжим, ҳаким, энди сиз олиб,  
Иккисига исм қўйинг, кўз солиб.

М у н а ж ж и м

(китоб очиб)

Қаҳрамонлик юзда зоҳир, исми ҳам Тоҳир бўлур.

Х о р

Тоҳир бўлур!

М у н а ж ж и м

Бир қизил гул бўйи доим сабру оромдир сенга.

Х о р

Сабру оромдир сенга.

М у н а ж ж и м

Ишқ осмонини ёнган юлдузи бўлгай бу қиз.

Х о р

Бўлгай бу қиз.

М у н а ж ж и м

Кечалар бўлсин мунаввар, Зухраҳон номдир сенга.

Х о р

Зухраҳон номдир сенга.

Хор давомида парда туша бошлайди, Ҳ у с а й н саҳна олдига қазаб билан чиқиб, ўз-ўзича сўзланади.

Ҳ у с а й н

Водариг!.. Паришон қилди хотирим,  
Олдинроқ туғилди Қоработирим!..  
Бу бахтсизлик буқун қилди мени танг,  
Тахтга бир бегона меросхўр... Аттанг!..  
Фитнадан дарс берай ўғлимга!.. Билсин!..  
Бир кун меросхўрнинг кўксини тилсин!..

(Тез кетади.)

П А Р Д А

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Зухра боғига туташган хилват бир кўча, эски харобалар ўрни бўлиб,  
бу йўл билан хон саройига бориш мумкинлиги билинади, тонг пайти,  
узоқдан ёнғин кўринмоқда, саҳнада уч киши — Нозим, Тоҳир ва  
Қодир ёнғин томондан яқинлашиб келаётган халқ хорини сўзсиз  
тингламоқдалар.

#### Х о р

Ҳажр тоши захмидан биз, кўкраги сўзонамиз,  
Ўз ватандан дарбадармиз, бечидам тўлғонамиз.

#### Н о з и м

Кўкка чиқди шўрлик элнинг ноласи,  
Қашқирга ем бўлди кўпнинг боласи.

#### Х о р

Айрилиқдан зору гирён қолди ота-оналар,  
Бегуноҳ бечоралармиз, зулм ўтида ёнамиз.

#### Т о ҳ и р

Билсам энди, қон ёшлардан унмишлар,  
Кенг саҳронинг қизғалдоғи, лоласи.

Оқидида Қоработир, орқада сипоҳлар бир тўда кекса, ёш,  
эр ва аёлларни заңжирбанд аспрликда саҳнадан ҳайдаб ўта бош-  
лайди, Нозим ўзини панага олади, Тоҳир Қоработирнинг йўлини  
тўсади.

Тоҳир

Айт тез менга! Недир бу эл гуноҳи?

Қоработир

Шум Сардорга ён босканлар!.. Шаҳзодам.  
Отам фармон қилди, тутдик уларни.

Тоҳир

Буюраман, озод қил!

Қоработир

Йўқ, шаҳзода.

Тоҳир

Қайтараман, бўшат тезроқ!

Қоработир

Ҳеч бўлмас.  
Бўшатиб мен балоларга қолмай.

Тоҳир

Бас!..

Қоработир

Ўз бошидан кечган тушар ўртага.



Т о ҳ и р

Ҳақ иш учун тушсам агар ўртага,  
Юз бош учун бир бош кетсин. Мана бош!

Қ о р а б о т и р

(киноя)

Балки булар сенга қавму қариндош?

Т о ҳ и р

Бўшат дейман...

Қ о р а б о т и р

Менга ортиқ дўқ урма,  
Эл деб, олий фармондан юз ўгурма!

Т о ҳ и р

Булар учун майли мени боғлаб элт!

Қ о р а б о т и р

Йўқ, бўлмайди.

Т о ҳ и р

Сен қутурган ит тахлит,  
Кўрингани тишлаб, қопиш истайсан,  
Този бўлиб, искаб топиш истайсан!  
Шундан бўлак бир касб йўқми дунёда?

## Қ о р а б о т и р

Ҳурматлар хон мени, сендан зиёда!  
Халққа қўшиб, боғлайнми ўзингни?

(Қилич суғуради.)

## Т о ҳ и р

Қўп дўқ урмай, (Қилич суғуриб,) эҳтиёт қил  
ўзингни!

Қиличбозликдан кейин Қ о р а б о т и р қиличи синиб, ўзи ёлғондан  
таслим бўлади ва сипоҳиларни ишора қилиб, тез кетади, с и п о ҳ и л а р  
ҳам кетадилар, Нозим Тоҳирга яқин келади.

## Н о з и м

Жон Тоҳиржон, ҳар қадамда бўл ҳушёр,  
Сенга ёмон душмандир бу, бадкирдор!

## Х а л қ

Халқнинг кўз нури, Тоҳир, дўстимиз,  
Юртда Сардорга босиб ён, шоҳга бўлдик  
фарзандимиз,  
банди биз.

## Т о ҳ и р

Наҳотки сизга шундай жабр этса,  
Уриб, боғлаб, азоб берса, койитса?  
Қоработир ўзи тортар жазосин!..

## Ҳ о ф и з

Балли ўғлим! Дединг халқ муддаосин.

Халқ миннатдорлик билан орқага қайтади. Нозим ҳам кетади,  
Тоҳир ёлғиз қолади.

## Т о ҳ и р

Уқубат ила зулмат ер осмон ичра тўлмишдир,  
Тикан ништарланиб, боғ ичра гулнинг барги сўлмишдир.  
Жафо ханжар сўниб, кулфат қадалмиш кўп ширин жонга,  
Кимики чин адолат истамиш, кўкси сўкилмишдир.

(пауза)

Келурки, бир куни оҳу фиғон қолмагуси,  
Фиғону нола-ю машъум замон қолмагуси.  
Азоб, уқубат ила элу юрт мазористон,  
Унар бу юртда гулу бир тикон қолмагуси.

## А р и я

Э, қуёш, кўрсат юзинг, тундан бағир қонланмасин,  
Тун қароси ёр зулфидек паришонланмасин.  
Саҳнаи оламни равшан қил ёруғ нурун билан,  
Пардаи зулматни йиртиб пора қил, жонланмасин.  
Бўлмасин олам хароб, кўрсат жамолинг партавин,  
Халқ ҳижронланмасин, кўз ёши тўфонланмасин.  
Тоҳиро, ҳар бир узун туннинг охиру тонги бор,  
Соч адолат нурини эл доғи ҳижронланмасин.

Ю л д у з

(орқада)

Тингла ёр, арзим, эвоҳ, ё айла ҳалок,  
Ишқинг ғамида бўлди менинг кўксим чок.

Т о ҳ и р

(саросимāда)

Яна ким бор, қора тунда овора,  
Кўксин қилмиш ҳижрон тиғи юз пора?

Ю л д у з

Токайгача мен махфий ютай қон лахта,  
Ҳолимни сўра, қилма тағофил бебок.

Т о ҳ и р

Бу ҳам мендек толеъи шум ўхшайди,  
Ер васлидан бу ҳам маҳрум ўхшайди.

(Юлдуз кўриниб, салом беради.)

Ю л д у з

Чарақлаган Юлдуз эдим, сўнганман,  
Айрилиққа бардош билан кўнганман

Т о ҳ и р

Кенг гулшанга хўп ярашган жисминг бор,  
Ўзинг барно, тагин Юлдуз исминг бор,  
Айт-чи, кимдир, ўғирлаган ақлингни?

Ю л д у з

(хавотирланиб)

Айтай десам, э, келишган, баҳодир,  
Атрофимни ўраб олди хавотир...  
Изтиробдан боқолмасман юзингга,  
Кўп йиллардир, кўнгил бердим ўзингга...

Т о ҳ и р

А?..

Ю л д у з

Суҳбат қилсанг Зуҳра билан гулбоғда,  
Мен яширин зардоб ютдим шу чоғда.  
Узганингда гул, Зуҳрага туткани:  
Санчилади юрагимга тикани.  
Тебранганда ишқ назмига қаламлар,  
Юрагимга тизиларди аламлар...

Т о ҳ и р

Қайт, Юлдуз қиз, бу адашган йўлингдан,  
Ихтиёринг бой бермагин қўлингдан.  
Севган ёрим Юлдузларнинг шоҳи бор,  
Кўнглим боғи, жоним қароргоҳи бор.

Ю л д у з

Ўйлаб кўринг. Зуҳра сизга ёр бўлсин,  
Беклар туриб, сизга нега зор бўлсин?  
Менинг аслим сиздек оддий фуқаро.

Иккимиз ҳам муносибмиз ишқ аро.  
Муносибми Зуҳра сизга? Хўш, айтинг?

Т о ҳ и р

Бу майдонда, билсанг, шоҳу гадо тенг.  
Чиндан менга ёр бўлишни кўзлабсан,  
Пайт топибсан, сириг очиқ сўзлабсан,  
Муносибсан. Ортиқ гўзалсан. Фақат:  
Бир кўнгилга сигмас икки муҳаббат.

Ю л д у з

Кечирасиз, хом сут эмган йигитча,  
Зуҳрадан хон ваъда олди бу кеча,  
Қоработир уйланади...

Т о ҳ и р

Бас — ёлғон...  
Сен ҳам менинг бағрим эзма, Юлдузхон.  
Вафодор у, ўз аҳдини бузмайди,  
Ўзгани деб, мендан кўнгил узмайди.

Ю л д у з

Жонкуярлик қилсам ҳам, кўнмасангиз,  
Боққа кириб билинг, инонмасангиз.  
Дардлашишга Зуҳрам сизга мунтазир.

Т о ҳ и р

Ким ёмондир: чоҳни ўзига қазир.

Боғ томонга Юлдуз бошлаган йўлдан кетади, пойлаб турган Х у с а й н  
кўрнади, унинг кетидан заҳарханда қилади.

## Х у с а й н

Ким ёмондир: чоҳни ўзига қазир. Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе...

П А Р Д А

И К К И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Зухра боғи, гулларга ўралган шийпон, тонг пайти, булбуллар сайраган,  
Зухра ёлғиз равоқда ёзиб ўтиради, сўнг ёганини куйлай бошлайди.

З у х р а  
(ария)

Қаламлар тавсифингда, мадҳлар доим талошингда,  
Чиройлилар чекиб саф, буйруғинг кутмоқда қошингда.  
Бўлурлар ер билан яксон ҳама қоҳиш ва ҳасратлар,  
Табассум жилвалар бирлан кулиб гоҳо қарошингда.  
Ҳақинг бирлан баҳодирсан, яна сен бебаҳодирсан,  
Лламли, қайғулиларнинг бутун қоҳиши бошингда.  
Сенингсиз ўтмагай сув, луқма нон ҳаргиз томоғимдан,  
Асалдек бўлса ҳам сенсиз заҳардир луқма ошингда.

Ашула давомида Нозим кириб қулоқ солади, сукут сақлайди,  
Зухра кўриб яқин боради, салом беради, у Нозимни паришон сезади.

Паришонсиз... хўш, устоз?..  
Ёки бирор ташвиш борми?

Н о з и м

Бор... бир... оз...

З у х р а

Улуғ устоз. Бўлса агар бемалол/  
Айтинг, қандай воқеалар юз берди?

Ё Тоҳирга бирор заҳмат етдими,  
Ё... ё...

### Н о з и м

Тоҳир омон, ҳеч бир шикаст етган йўқ,  
Ё бош олиб, бирор ерга кетган йўқ.  
Халқни ёқлаб, қўзғалди у амалда,  
Лекин бундан фойдаланиб шу Ботир,  
Фитнасидан тушди менга хавотир.  
Умидим шу: Тоҳирни сен сақлайсан,  
Шунча берган тарбиямни оқлайсан.  
Шу йўл билан синалур соф муҳаббат.

### З у ҳ р а

(уялинқираб)

Тоҳиржон бор — мен бор бунда.

### Н о з и м

Кўп раҳмат.  
Ҳимоянгга олиб тезроқ Тоҳирни,  
Кечикмасдан хон отангга бир хат ёз.  
Ёзганда ҳам қаттиқроқ тур.

### З у ҳ р а

Хўп устоз.

Н о з и м богдан чиқади, Зуҳра шошиб, ёзишга ўтириш олдидан бир шеърни эслайди.



(Ўзиб.)

Ёрни, дерларки чекмиш юз жафо мен зор учун,  
Булса минг жоним фидо айлай жафокаш ёр учун  
Ёрким, ёри учун чекса жафо, бил они ёр,  
Улса оздир кимса, андоғ ёр меҳросор учун.

Қ а м а р

(киради)

Тоҳир акам келмоқдалар, Маликам.

З у ҳ р а

Ҳамма қизлар пешвозига бўлсин жам.

Қ а м а р чиқадн, қизлар боққа тўплана бошлайдилар.

К а н и з а к л а р

Хуш келибсиз, ғунча бағри қону гулзор интизор,  
Савти шаҳноз ўргилиб, йўл узра гулёр интизор.

Қ а м а р

Гул табассум қилмади, сизсиз бу лаблар кулмади.

К а н и з л а р

Кенг чаман ҳар доимо Зухрам учун тор, интизор.

Сор давомида Т о ҳ и р киради. Зухра ишораси билан қизлар Тоҳир  
йўлига гул сочадилар.

## Т о ҳ и р

Ҳар қачон ҳам илтифотингга сазовор ўлмишам,  
Шу сабабдан нақд жон бирлан харидор ўлмишам.  
Кўрсатиб адлу мурувват бегуноҳ бир нечага,  
Тахту тож олдида шундан сўнг гуноҳкор ўлмишам.  
Бошқалар бирлан фароғат қилди деб, ўйланма ёр,  
Бир гуруҳ дардли, аламлиларга мен ёр ўлмишам.

Юлдуз изтиробда, дарахт орқасида.

## К а н и з л а р

Келмадинг гул сайрига, ўзни нигорон этди гул,  
Бетомошабин қолиб, ўз бағрини қон этди гул.

## Э у ҳ р а

Эй, чаманнинг булбули, гулшанга кир, гул сайрига,  
Зеб бериб, ороланиб, ҳуснини чандон этди гул.

## К а н и з л а р

Боқмагин ер остидан, гоҳ рамз ила боққанда ҳам  
Изтиробингдан қизариб, гунча хандон этди гул.

## Т о ҳ и р

Э, тасанно, боғаро ороланибсиз мунча ҳам,  
Гулни ҳайрон қолдириб, зеболанибсиз мунча ҳам.  
Чўғ каби, машғал каби, ҳам товланиб, ҳам куйдириб  
Соф ишқ бўстонида раъноланибсиз мунча ҳам.  
Ҳусн ила қоматда бир дунёланибсиз мунча ҳам.

Музыка давомида Зухра ишораси билан канизлар чиқа бошлайдилар,  
Юлдуз рашк билан сўзланади.

## Ю л д у з

Чидамайман, қалбимда рашк ёнмоқда,  
Елғиз Зухра ёр васлига қонмоқда.  
Кўрганимдан кўрмаганим яхшироқ,  
Зухрага ҳам тушсин айрилиқ, фироқ.

*(Четлашади, кетади.)*

## З у ҳ р а

Уч кун деганда келмадинг,  
Елғизлигимни билмадинг,  
Ёки назарга илмадинг,  
Ёр мунча зор этдинг мени.

Ўтди орадан олти кун,  
Кўксимда ғамлардан тугун,  
Айниқса кўп кутдим шу кун.  
Ёр мунча зор этдинг мени.

## Т о ҳ и р

Мен ошиғинг келдим истаб,  
Кўрқмай отанг-хунхорингдан.

## З у ҳ р а

Сен ошиқсан, мен маъшуқман,  
Узоқ кетма мен ёрингдан.

## Т о ҳ и р

Боғингда булбул зорингман.  
Қувламагин гулзорингдан.

## З у ҳ р а

(сўз)

Воқеадан хабарим бор, Тоҳиржон,  
Зиддинга иш кўрмоқда у ҳар қачон.  
Қоработир қилган бўлса шикоят,  
Бу ишингдан газабланиб хон ғоят,  
Сендан мени буткул жудо этмоқчи,  
Қоработир мақсадига етмоқчи.

(Қоғоз узатиб.)

Уқиб кўринг. Отамга мен ёздим хат.

## Т о ҳ и р

Уқинг!

## З у ҳ р а

Жон ота, сўровим шу: Тоҳирим, ҳимоя қилинг,  
Иккимиз муҳаббатимиз хўрламанг, рия қилинг.  
Ажратишни қасд айлаб кирса сизга шум Ботир,  
Ажратишга ҳеч имкон йўқлигин ҳикоя қилинг.  
Қилсангиз жудо ундан: Зухранинг ҳаёти тамом.  
Шафқату мурувватдан бошимизга соя қилинг.

## Т о ҳ и р

Кўп раҳмат.

Зуҳра қарсак уради, Қ а м а р киради.

З у ҳ р а

Бу мактубни саройга элт, тез қайтгин,  
Хон отамга махсус мактуб деб айтгин.

Қ а м а р хатни олиб, тез кетади.

Д у э т

Отмагай тонг боғаро азминг хиромон бўлмаса,  
Булбули шайдоларинг гулшанда нолон бўлмаса.

Т о ҳ и р

Қайдан ишқ ўтига урсин ўзни у, парвоналар,  
Парпираб бағрин ёқувчи шамъи жонон бўлмаса.

З у ҳ р а

Шамдек куйгай ҳамиша жисми зорим, мен нетай,  
Биргина парвона ҳам қошимда меҳмон бўлмаса.

И к к и с и

Не қилай бу жонниким, йўлингда қурбон бўлмаса.

Ҳаяжон билан Ю л д у з киради, Зуҳрага салом бериб, сўнг қулогига шивирлайди, Зуҳра ҳаяжонда, Юлдуз Тоҳирга кинояли қарайди.  
Қ о р а б о т и р ў з с и п о ҳ и л а р и билан киради.

## Қ о р а б о т и р

Жон маликам, рухсат беринг кирмакка,  
Ёмонларнинг таъзирини бермакка.  
Боғингизни хору хасдан тозалаб,  
Ўзимга бахт, шоҳимга гул термакка.

## З у ҳ р а

Орсизларга нафрат бўлур, гул бўлмас,  
Зуҳра боғи номардларга йўл бўлмас.

## Қ о р а б о т и р

*(фармонни ўқий бошлайди)*

Қиличдан тез, тигдан ўткир фармойиш,  
Тездан беринг сипоҳиларга оройиш.  
Тоҳир шумни тутмоқ учун сўроғланг,  
Қайда бўлса топиб, уни тез боғланг.  
Қилган иши оғир жазога лойиқ,  
Бу жазодан ибрат олсин халойиқ.  
Бир сандиққа солиб, ташланг дарёга,  
Оқизганим дoston бўлсин дунёга.  
Ўз вақтида бажарилсин бу фармон,  
Бу фармонга имзо чекдим: *Бобоҳон*.

## Т о ҳ и р

Семирса ҳам, ғоз бўлолмас ҳеч ўрдак,  
Касбинг бўлсин муборак, э, югурдак!

## З у ҳ р а

*(жеркиб)*

Ишинг қотилнамо, жаллодга тахлит.

Қ о р а б о т и р

(ёндашиб)

Муносиб сизга мен. Тоҳир эмас...

З у ҳ р а

Кет...

Т о ҳ и р

Узоқ бўлса киши, элнинг гамийдин,  
Узоқдир ишқ ҳам ул одамийдин.  
Ўзинг кимсанки, ишқ даъво қилурсан,  
Бу ишқ ўтида гўё ёқилурсан...

Қ о р а б о т и р

Ўзим ботир, отам хоннинг вазири,  
Доноликда йўқдир унинг назири.

(Сипоҳиларга.)

Тутинг!.. боғланг!..

Т о ҳ и р

Урнингиздан қўзғалманг.

З у ҳ р а

Чиқинг боғдан тезроқ!

## Қ о р а б о т и р

Ҳеч қайга борманг!

(Қилич суғуради.)

Қилич бўлур босқинчилар жазоси,  
Қон тирқираб, қиймалансин аъзоси.

Юлдуз Тоҳир ханжарини ўғирлаб олади.

З у ҳ р а

(ўртага тушиб)

Торт қўлингни, э номард,  
Тоҳиржон тоғ бўлса, сен бир ҳовуч гард.

(Сипоҳиларга.)

Тарқалинг!

Т о ҳ и р

(ёнидан ханжарини олмоқчи бўлади, топмайди)

Бепарволик бўлди, йўқолди ханжар!

З у ҳ р а

Дил уйини босди ваҳший гумонлар...

Қоработир ишораси билан сипоҳилар Тоҳир устига ташланадчлар,  
олишувлардан кейин Тоҳирга сиртмоқ ташлаб, боғлайдилар.



## Қ о р а б о т и р

Хўш? Не дейсан?.. Хо-хо-хо-хо!..

## Т о ҳ и р

Найранг билан боғладинг сен қўлимни,  
Аммо номард эзолмайсан кўнглимни.  
Вужудимни оқиз дарёга, майли,  
Тоза қалбим оқмас, ишқим туфайли.

## Қ о р а б о т и р

Олиб чиқинг!..

Сипоҳилар Тоҳирни судрайдилар.

## З у ҳ р а

То тирикман: Тоҳир номинг тутаман,  
Бу дунёдан ёр қилмасдан ўтаман.

Тоҳирни олиб чиқа бошлайдилар.

## Д у э т

## З у ҳ р а

Дод, минг дод, кўзларим гирён, сендан айрилиб,  
Бўлгуси кўнгул уйи вайрон, сендан айрилиб.

## Т о ҳ и р

Соғ бўлсам, қомати зеболаринг соғинтирур,  
Меҳрибона ҳурматинг, парволаринг соғинтирур,

Ҳаммадан ҳам ул қаро шаҳлолаларинг соғинтирур,  
Қайга борсам қийналур бу жон сендан айрилиб.

З у ҳ р а

Бунда турсам мен эмас инсон сендан айрилиб.

Т о ҳ и р

Яхши қол, хайр энди, севган Зухраҳоним, алвидо,  
Мен келурман бир куни, соғ бўлса жоним, алвидо.

И к к и с и

Сен учун қурбон менинг ҳар томчи қоним, алвидо.

Т о ҳ и р

Оқса ҳам тан оқмагай виждон, сендан айрилиб.

З у ҳ р а

Кенг жаҳон бўлди букун зиндон сендан айрилиб,  
жон айрилиб

Т о ҳ и р н и олиб кетадилар, Зухра ҳушидан кетиб йиқилади, Зухрани  
каниз қизлар суяшга овора бўладилар, бекинган Юлдуз чиқиб, Зухра-  
га мағрурона кўз ташлаб, кулимсирайди

П А Р Д А

У Ч И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Дарё соҳили, қуёш қизариб ботмоқда. Бу жой «жазо майдони» деб,  
аталиб, Тоҳирни оқизилишини эшитган халқ бу жойга тўпланмоқда,  
шоир Н о з и м дарё тўлқинига қарата шеърини монолог айтмоқда.

## Н о з и м

Э, улуғ дарё, кўзим ёши-ла тўфон бўл букун,  
Ёки тўлқин урма, оқма, дардга дармон бўл букун.  
Кенг жаҳон тунга ўрал, эл ҳолига тут мотаминг,  
Гиря-ю, оҳу фиғонни тингла, ҳайрон бўл букун.  
Қўзғал, э, қаҳру ғазаб, тош ур адоват кўзига,  
Тўзғитиб зулматни, эл кўксига қалқон бўл букун.  
Парчалан, эл қаҳри остида ситам кошонаси,  
Бас, етар жабру жафо, ғам тоғи талқон бўл букун.

## Х а л қ

Тош эмас, соҳилда ётганлар, фақирлар бошимиз,  
Сув эмас, дарёда оққанлар бағир кўз ёшимиз.  
Ҳамма киприклар суғорилган, ғазабнинг наштари,  
Қолмади бир зарра ҳам, сабру чидам, бардошимиз.

Нозим хор давомида тушиб келади, иккинчи томондан С а р д о р киради. Нозим таниб, Сардорга қучоқ ёзади, қучоқлашиб, йиғи аралаш сўрашадилар, оз паузадан сўнг Нозим сўзлайди.

## Н о з и м

Улуғ Сардор... Бу кунлардан зерикдим,  
Аламни ҳаммадан ортиқча чекдим,  
Саройда мен учун йўқдир фароғат,  
Фароғатни қўйинг, бардошу тоқат.

(Қатъий.)

Кетай мен ҳам...

С а р д о р

Туринг ҳозирча, Нозим.  
Саройда бир киши турмоғи лозим.

Н о з и м

(хавфсираб)

Кетинг, Сардор...

С а р д о р

Қайда бардош.  
Бўлай мен бу аламли элга йўлдош.

Н о з и м

Халойиқнинг суянган тоғидирсиз,  
Умид чўққисининг байроғидирсиз.

Орқада гала-говур эшитилади, сўз тўхтаб, четланадилар, икки  
Я с о в у л сандиқсозларга сандиқ кўтартириб, ҳайдаб киради.

І я с о в у л

Тўғри юр!..

ІІ я с о в у л

Анқайма!

І я с о в у л

Боқма атрофга!

## Абулқосим

Кўп дўқ урма, ўзим келганман тобга,  
Бир вақт сандиқ хизмат қилди рўзгорга,  
Аза эмас, келинчақлар, тўйларга.  
Энди бўлди мотам, жазо сандиғи,  
Улгуртмасанг, доим сипоҳилар дўғи.

Сипоҳилар чиқадилар.

## Ашурмат

Хон ҳукми деб, эрта-ю кеч уринсанг,  
Халқ кўзига гўрков бўлиб кўринсанг...  
Бу дарёда оқди не-не мард инсон.  
Аттанг!.. Букун оқизилар, Тоҳиржон!

## Абулқосим

Сандиқ ясаб, ранжу машаққат кўрдим,  
Қўй-э, ўша ҳунаримдан ўргилдим.

## Сардор

(Ҳофизга)

Мен айтганча сандиқ бўлганми тайёр?

## Ҳофиз

Сиз айтгандек тайёрланди, жон Сардор.

## Абулқосим

Ичкарига мўм эритиб сурилди,  
Сув ўтмаслик чоралари кўрилди.

## Ашурмат

Бу тўғрида бўла беринг хотиржам.

Қ а м а р

(ҳаяжонда кириб, ўзини Ҳофиз кўксига отади)

Ота!..

Ҳ о ф и з

Қизим!..

(Кўксига босади.)

Бу жудолик қаттиқ экан мунча ҳам...

Қ а м а р

Соғинганман...

Ҳ о ф и з

Сенсиз қоронғи жаҳон.

Қ а м а р

(хатни бериб)

Бу мактубни йиғлаб ёзиб Зухраҳон,  
Юбортирди ташлаш учун сандиққа.

(Хатни сандиққа ташлайди.)

## С а р д о р

Халққа зулм этмакдир хон фикри ёди,  
Оқизмоқ хон касби, осмоқ ижоди!  
Хоннинг қаҳри ўлим, кулгиси озор,  
Халқ учун мукофот: оқиш, зиндон, дор.

## Ҳ о ф и з

Ишқдан бошқа гуноҳи йўқ Тоҳирни,  
Шундан бошқа фарзанди йўқ Боҳирни.

## Б о ҳ и р

*(кириб, ўзини сандиққа уради, сўни, ҳаяжонда сўзлайди)*

Кўриб фарзанд, бирор дам бўлмадим шод,  
Ҳаётим ўтди ғор, жилға, қиёда.  
Оқизмоқда менинг ўғлимни, фарёд...  
Бўлурму жабру зулм бундан зиёда...

## С а р д о р

Нега жим турасиз, не учун хомуш,  
Нега зулмга қарши қўзғолмайсиз! Хўш?  
Бу билан етмассиз мақсад, тилакка,  
Хорланган халқ кўпсиз, хорловчи якка.

Қ о р а б о т и р киради.

Қ о р а б о т и р

Ким у? Иғво қилар! Ушлангу осинг.

Сардорни халқ яширади, ясовулар уни танимайдилар, Хонбобо  
билан Хусайн арк устида пайдо бўладилар.

## Тоҳир

(музыка остида занжирбанд олиб чиқадилар)

Халойиқ... Сизга ҳар соат ва ҳар дам  
Ғаниматдир, беринг Сардорга ёрдам.  
Агар мен ўлмасам, қайтиб келарман,  
Тирик бўлсам, келишга интиларман.

## Халқ

(овозлар)

Тоҳиржон... Тоҳиржон... Азиз дўстимиз,  
Жондан ажрар бу танзимиз, пўстимиз.

Зуҳра қизлар билан югуриб чиқади, булар кетидан Юлдуз ҳам  
чиқиб, бир четда ўз ҳолига қайғурмоқда.

## Зуҳра

Тоҳирим...

## Тоҳир

Зуҳрам...

## Халқ

Қўй, эй, хон, асирингни кўп қийнаб азоб этма,  
Занжири жудоликдан бўйнига таноб этма.

## Қодир

Ноҳақ унга зулм айлаб, нотўғри итоб этма.



Х а л қ

Андиша керак охир, ишқ мулкин хароб этма.

Қ о д и р

Нозик дилин оғритма, қаҳр айлама, панд айла.

Х а л қ

Гул солма, билагини бўйнига каманд айла.

Қ о д и р

Боғлар эсанг илгини, ёр сочида банд айла.

Х а л қ

Куйган у жудоликдан, сен хоки туроб этма.

Э у ҳ р а

У сенга асир бўлса, у асли танам жони,  
Сен хону амир бўлсанг, у кўнглимни хоқони.

Х а л қ

Ишқ ила кўп ўйнашма, шарманда қилур сани,  
Етмасми жудоликдан эл кўнгил паришонни.  
Ишқ аҳлини сен мунча бағрини кабоб этма.

Х о н б о б о  
(Зухрага)

Не сабаб бу хил паришонлик,  
Ўйна, кул, давлатимда қил шодлик.

Сен киму унга маъшуқа бўлмоқ,  
Дод чекиб, ортиқ қайғуга тўлмоқ.  
Сўлмасин ғамдан ҳуснингнинг фасли,  
Ҳеч лойиқ эмас Тоҳирнинг насли.  
Сен лойиқдирсан беклар, шоҳларга,  
Қоработирдек мард сипоҳларга.

Қоработир Зухрага таъзим қилади, Зухра нафрат билан юз ўгиради

### З у ҳ р а

На Ботир даркор, на шоҳинг менга,  
Сол сандиғингга, оқизгин бирга,  
Сен учун бўлса ажратмоқ ҳавас,  
Ёлғиз қолмоқлик мақсадим эмас.

### Х о н б о б о

Хон дейди унвоним менинг, ҳам мансабим, номим менинг,  
Сен ёш тўкиб, зор қайғуриб, кўп бузмагин қоним менинг  
Арзирми қайғу-нолага, оқ юзни булғаб жолага,  
Бebурд, тайинсиз болага йўқдир берар ноним менинг,  
Тоҳирга бўлдинг мубтало, қўзғалди бошда юз бало.

(Хатни ғижимлаб.)

Мен ҳам адашдим аввало, бор эди эҳсоним менинг.

(Хатни Зухра томонга улоқтиради.)

### З у ҳ р а

Оҳ, ота! Бундан қизинг ор айламас,  
Тошга ёмғур ёғса ҳам кор айламас,

Қўй, насихат қилма менга, эй, ота,  
То тирик: Зухранг бўлак ёр айламас.

Х а л қ

Зухра қизга минг раҳмат.  
Чин, ҳақиқий муҳаббат.

Т о ҳ и р

Зухраҳон, боқ, бу кўнгилни шод қил,  
Сўнгра дарё бўйларида ёд қил,  
Айрилиқдан дoston ижод қил,  
Куйла, вайрона дилим обод қил,  
Бу ситамни ҳеч хунхор айламас.

Х а л қ

Бу ситамни ҳеч хунхор айламас.

Т о ҳ и р

Сийналар вулқони отганда оловли оҳлар,  
Кул бўлур учқунларидан муҳташам даргоҳлар,  
Ажрамас эл меҳри мандан, доимо ҳамроҳлар.

Х а л қ

Бу нечук кулфат, мусибат. Эй, сипоҳлар, шоҳлар.

Б о ҳ и р

(сўз)

Озод қилгил, эй, хон, ўғлим оқизма,  
Жудолигим етар, бағримни эзма.

## Х о н б о б о

Тез тутинг, боғлаб, элтинг зиндонга,  
Ем бўлсин унда илон, чаёнга...

Боғлайдилар.

## Б о ҳ и р

Уни сувга, мени зиндонга ташла,  
Жудолик тиғида бағрим тарашла.  
Ҳақиқатларга дўстман, сенга ётман,  
Ҳақиқат то ҳаёт: мен ҳам ҳаётман.

(Тоҳирга.)

Хайр... Эй, жон ўғлим.

Олиб кетадилар.

## Т о ҳ и р

(мардонавор)

Хайр... жон ота.

## Қ о д и р

Оқиз, ўлдир, зиндонга сол, жудо қил,  
Халқда яна кучли ғазаб пайдо қил.

## Х а л қ

Сен ҳам бир кун халқ қўлида оқарсан,  
Ўз кўксингга лахча ўтлар ёқарсан.

## Хонбобо

Оқизинг тезроқ, йўқ бўлсин шундан,  
Қутулмоқ даркор, Тоҳир малъундан.

Тоҳирни дарёга ташлайдилар, халқни сурадилар, осмонда момақалди-  
роқ, даҳшат бошланади, хон қаҳқаҳа уради.

Ёзинг шоир... хоннинг байрам куни бу.

## Ҳусайн

Ёзинг шоир — хоннинг байрам куни бу. Хо-хо-хо...

Хон, Ҳусайн кетадилар.

## Нозим

Халқнинг оғир қайғу-алам куни бу.

(Ёзади.)

## Юлдуз

Эй рашк!.. Мени қандай йўлга бошладинг,  
Уни сувга, мени ўтга ташладинг!

(Руҳий қийналади.)

## Зуҳра

(ария)

Сув келар ахта-ахта-я, сандиғинг чинор тахта-я,  
Сендан ўзгани десам-а, қон ютай лахта-лахта-я.

Ғрим кетди, қолди меҳри дилимда,  
Бир дил эмас, балки юрту элимда.  
Ақлу ҳушим оқди улуғ дарёга,  
Кеча-кундуз зикри ёди тилимда.  
Ажралгуси келмай, сандиқ айланиб.

### Х а л қ

Еққан ул ёмғир эмас, кўзлардан оққан томчилар,  
Чақнаган чақмоқ эмас, бошларга тушган қамчилар.

### З у ҳ р а

Тўкилсин кузги баргдек, навбаҳоримдан аюрганлар  
Юракдан йиғласин қон, лолазоримдан аюрганлар,  
Жаҳондан маҳв бўлсин, эътиборимдан аюрганлар,  
Зимистон ичра қолсин, ажратиб мени қуёшимдан.

### Х а л қ

Қуёшингдан.

### З у ҳ р а

Учиб номинг, йўқол. Сабру қароримдан аюрганлар.

### Х а л қ

Аюрганлар.

Қамчилар, хон қамчилар элни ватандан қувғали,  
Томчилар ёш, томчилар қонларни тандан ювғали.  
Йиғлама, жон Зухраҳон, ҳолингга йиғлар осмон,  
Йиғилар ёмғир бўлиб, тўлқин урар оҳу фиғон.

Тош устида маъюс ёзиб ўтирган Нозимга Зухра ўзини ташлайди,  
Нозим унинг бошини силар экан, бечидам кўз ёшларини артади.

### П А Р Д А

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Хоразм хони — Алломатхоннинг эрка қизи — Моҳимнинг ёғи дам олиши учун дарё бўйига ўрнатилган хос хайма (чодир)да кундуз куни Моҳим ухламоқда, канизлари уни елиб, куйламоқда.

### К а н и з л а р

Эсса гар дарё шамоли, келтирур ноз уйқуни,  
Аста чал созанда, созинг бузмасин соз уйқуни.  
Шам деб учди жамолинг устидан парвоналар,  
Бузмасин бошингда минг бор айланиб, оз уйқуни.  
Ухласанг ҳар тун сепар кўк ҳам атир-шабнамларин,  
Кўрмаган ҳеч ким бу хил ҳурмат ва эъвоз уйқуни.  
Гунча лабларни кўриб, ўтирди булбул яллага,  
Аллалаб, хиргойлаб айтганда шаҳноз уйқуни.  
Пардасиз ойдинда ётсанг, рашк ила ой доғланур,  
Ой юзингга парда тут, тарк айла ё ёз уйқуни.

### О н а ж о н

*(дарёда бир нима кўриб)*

Боқинг қизлар. Хув, ану нимаси.

Г у л ж о н

Келаётган балиқчилар кемаси.

К а н и з л а р

Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа...

О н а ж о н

Йўқ, йўқ, қизлар, оқиб келар бир сандиқ.

Б е к а ж о н

Мен қўрқаман. Юринг қизлар қочайлик.

Ў р а з г у л

Налар дерсан. Балки бу бир хазина.

Г у л ж о н

Яқинлашди, жим туринглар озгина.

О н а ж о н

Посбонлар, ёрдам беринг бизларга.

Ж у м а н и ё з

(*кўриниб, посбонларга*)

Посбонлар ёрдам беринг қизларга  
Посбонлар дарёдан сандиқни тутишга киришадилар.



Г у л ж о н

Ажаб... не бўлди бунда.

Б е к а ж о н

Қўрқинчли нарсадир-да...

Ў р а з г у л

Бир қишлоқни сел олган.

О н а ж о н

Билмасак, налар солган.

Г у л ж о н

Кўп ошиқма, Онабе.

О н а ж о н

Посбонлар, очинг.

К а н и з л а р

Очинг-очинг...

П о с б о н л а р

Оғир экан... ҳе-ҳе-ҳе...

Шовқиндан Моҳим уйғонади.

Моҳим

Қўймасиз бир дам...

Жуманиёз

Сирли сандиқ ушлаб олдик, маликам.

Моҳим

Қандай сандиқ? Қани очинг, қандай сир?

Жуманиёз

Қандай билдик. Оқизилган ғаниматдир ё бир.

Моҳим

Бузилди роҳатим, мижжамда уйқу,  
Бу ерда қўзғатиб шовқуну кулги.  
Қандай бало бўлди, қандай тутилди,  
Гуноҳкор бўлса бу, банддан қутулди,

(Жуманиёзга)

Олинглар аста, ерга ётқизинглар,  
Хушига келсин у, сув ичкизинглар.

Посбонлар олиб ерга ётқизиб сув ичкизадилар. Онажон сандиқдан хат топиб олиб Моҳимга беради, Моҳим ўқий бошлайди.

Моҳим

«Азизим Тоҳиржон. Кўнглингни тўқ тутки, мен сени севган эканман, ҳамон шу сўзимда қоламан, умримнинг

охиригача сени дейман, сени деб, номингни ёдлаб ўтаман.  
Бошинг омон бўлса, кел жоним. Келмас бўлсанг, кўз ёшим-  
дан дарё ясаб, оқиб, орқангдан излаб бораман. Мен берган  
гул доимо ҳамроҳинг бўлсин. Зухранг».

*(Хаёл билан Тоҳирга яқин келади ва мазмундор тикилади.)*

Арслон тўшу йўлбарс каби қиёфат,  
Бу қиёфат — ақлу ҳушимга офат...  
Май келтиринг, нозу неъмат келтиринг,  
Мен қайтгунча буни қилинг зиёфат.

*(Тез чиқиб кетади.)*

## Қ и з л а р

Хўш, йигит, мумкинмидир ҳолингни изҳор айламак,  
На сабабдандир асиру банди озор айламак.  
Қайси зolimнинг иши ҳам қай фусунгар қилмиши,  
Сен каби бир мардни бу дардга гирифторм айламак.  
Сувда оқмоқ бирла сенким, кенг жаҳонга ўт сочиб,  
Куйдириб минг дилни, ишқ ичра намудор айламак.

## Т о ҳ и р

*(ария)*

Аюрмиш ўзгалар рашки менинг ёру диёримдан,  
Валекин ажратолмас бу жудолик ихтиёримдан.  
Йигитлик даври, яъни яшнаган бу умр гулзорин  
Хазон этмоқчи бўлмиш, ажратиб фасли баҳоримдан.  
Жудо этмиш мени, боғлаб қўлимни севгили ёрдан,  
Ватандан, ошнодан, дўстиму, хешу таборимдан.  
Узоқлаштирсалар ҳам эл ила ёримни гар мендан,

Уларнинг меҳри асло четда қолмас эътиборимдан.  
Муяссар бўлғуси албатта Тоҳирга яна кўрмак,  
Кўнгулга ўрнаган ёр меҳри ҳам қатъий қароримдан.

### К а н и з л а р

— Тоҳир экан...

— Тоҳир экан...

— Тоҳиржон...

Ж у м а н и ё з

(киради)

Ҳозирланинг... келмоқдадир улуғ хон.

Аллонатхон, Моҳим ва икки вазир кирадилар, ҳамма таъзимда.

### А л л о м а т

Қани у, дарёдан тutilган ўғлон?

Ж у м а н и ё з

Мана шу, ёшулли, ушланган меҳмон.

А л л о м а т

Нима экан оти?

О н а ж о н

Отлари Тоҳир...

## А л л о м а т

(тикилиб)

Ажойиб мардлиги афтидан зоҳир.

(Ўзича.)

Бобохоннинг сири Тоҳирга аён,  
Ўғлим деб сақлаю, сўнг солай ишга.  
Тоҳир бундалигин билса Бобохон,  
Ўзи ҳам тушади анча ташвишга.  
Сурай от устига хон Бобохоннинг.  
Ўч олиш баҳона, тўплай ганимат.  
Қайраб, ишга сололмас бўлсам ўғлонни,  
Ишга сололмаслик, куфрони неъмат.

(Моҳимни четга тортиб.)

Кўнгул қўйса: ноз айлама, ор этма,  
Кенг дунёни бу йнгитга тор этма.  
Хўп деб, сен ҳам кўнгул қўйгил, ёр бўлгин,  
Ранжимасдан, ундан хабардор бўлгин.

(Кетади.)

М о ҳ и м

(Ўзича)

Иложи йўқ бунинг, қўнғай қўлимга,  
Қаёққа юр десам, юргай йўлимга.  
Сўзимга бу қилур албатта бовар,  
Унга мен ёру у менга диловар.

(Тоҳирга яқин келиб.)

Сухбатлашмоқ учун холидир чодир.

Тоҳир

Раҳмат. Менга бўлур ҳозирча шу ер.

Моҳим

Менинг орзум эди сизни бир кўриш.

Тоҳир

Орзу яхши ният, кўриш — яхши иш.

Моҳим

(ария)

Изларинг ўпмоққа Хоразм ичра ҳар гулзор-зор,  
Боқмасанг ҳолимга, жисмим жонидан безор-зор.  
Нақд жон бирлан жаҳонда мен харидоринг бўлай,  
Доимо излашда бўлдим кўча-ю бозор-зор.  
Қоматинг кўрганда ишқинг жонга ўт солди, нетай,  
Раҳм қил, кўксимга солма қаҳрдан озор-зор.  
Қўрқаман, васлингга етмай ўлмасам армон билан,  
Илтифот кўрсатмасанг, мен йиғлагайман зор-зор.

Канизлар

Марҳамат, лутфу карам қил паҳлавон меҳмон йигит,  
Изларинг ўпмоққа Хоразм ичра ҳар гулзор-зор.

## Х о р

Шукр айла йигит бахт қуши бошинга қўнган,  
Мардонаи даврон,  
Борми яна айт, сенда пушаймон ила армон,  
Эй кўнгул паришон.  
Ёнингда гўзаллар малаги — моҳи паризод,  
Сен бирла бўлур шод,  
Вайрона дилинг бўлгуси бир лутф ила обод,  
Гар сўзласа жонон.

## М о ҳ и м

Кўнглингни қўйиб, кўнглими ол, созима бўл жўр,  
Сен-сен менга манзур.  
Номинг бўладир воҳага маълум, яна машҳур,  
Мен-мен сенга жонон.

## К а н и з л а р

Моҳим ила базм айла бу ерда кеча-кундуз,  
Қандинг уру гул уз,  
Хизматда мудом биз каби бир неча каниз қиз,  
Ғам-гуссали меҳмон.

Ўйнаб-ўйнаб, Моҳим агар қилса табассум:  
Ҳар лаҳзада бу лаблари кулгу ила ўйнар.

## Т о ҳ и р

Бечора кўнгул ғам ила, қайғу ила ўйнар,  
Кундуз йўқолиб, тунда қоронғу ила ўйнар.

## Х о р

Уйнаб-уйнаб, Моҳим агар қилса табассум:  
Ҳар лаҳзада бу лаблари кулгу ила ўйнар.

## М о ҳ и м

Кўксим тўлатиб тақсам агар лаъл ила ёқут:  
Кўксимда туриб, дарёдаги сув ила ўйнар.

## Х о р

Уйнаб-уйнаб, Моҳим агар қилса табассум:  
Ҳар лаҳзада бу лаблари кулгу ила ўйнар.

## М о ҳ и м

Шаббода ила сочим агар бўлса паришон:  
Оламдаги бор ҳамма хаёл шу ила ўйнар.

## Х о р

Уйнаб-уйнаб, Моҳим агар қилса табассум:  
Ҳар лаҳзада бу лаблари кулгу ила ўйнар.

## Т о ҳ и р

Йўқ... Йўқ... мумкин эмас.

*(Туриб, ўзини четга олади.)*

## М о ҳ и м

*(ария)*

Солмагай жамолимга, кўзни бир қиё ҳаргиз,  
Таъсир этмагай билмам, зору илтижо ҳаргиз.



Зухрага экан мафтун, ўйлару хаёл айлар,  
Елвориб, ялинсам ҳам, бўлмас ошно ҳаргиз.

Т о ҳ и р

(ўзича)

Ваъдага вафо қилмоқ, бўлса чин тилак сенда:  
Эй кўнгул бу мақсаддан бўлмагин жудо ҳаргиз.

М о ҳ и м

Яхшиликни ҳеч билмас, лутф ила карам қилмас,  
Қайрилиб қараб қўймас, манглайн қаро, ҳаргиз.

Х о р

Не чиқар ўжарликдан? Айш қил, бўлиб меҳмон,  
Сен агар вафо қилсанг, етмагай жафо ҳаргиз.

М о ҳ и м

(сўз)

Меҳр қўй, муҳаббат қўй, давлатимда сур даврон,  
Бошқа бир тополмассан дардинга даво ҳаргиз.

*(Ўзини четга олиб, ширин хаёллар билан сўзланади.)*

Кейин мойил бўлар бу, бўйсунар бу,  
Муҳаббат боғлару сўзга унар бу.  
Борар ўч олгали бу, Бобохондан,  
Бўялгай ерлари албатта қондан.  
У юртнинг майли Тоҳир шоҳи бўлсин,  
Ёнида Моҳими ҳамроҳи бўлсин.

Десин Тоҳир менга: жоним, ҳузурим,  
Бўлур Зухра менинг химатда чўрим.

(Зухра хатини йиртади.)

М о ҳ и м

Сенгадир соябон бу тожу давлат.

Т о ҳ и р

Кетай бундан, беринг сиз менга рухсат.

М о ҳ и м

Сабаб борми ҳазар этмоққа мунча.

Т о ҳ и р

Ҳамиша менга ҳамроҳдир бу шунча!

(Гулни олиб ҳидлайди.)

М о ҳ и м

Муҳаббат боғла менга, бахтиёр бўл.

Т о ҳ и р

Дегайсан: гулни ташлаб, ўтга ёр бўл.

П о с б о н л а р

(Ўзаро)

Писанд этмас, қаранг, илмайди кўзга.

## К а н и з л а р

(Ўзаро)

Хаёлида гулу фикрида ўзга.

М о ҳ и м

Чўкиб тиз, тавба қил, ором бўлай мен.

Т о ҳ и р

Умидинг шулки: сенга ром бўлай мен.

М о ҳ и м

(Онажонга)

Бориб тез, хон отам келсин деб айтгин.

О н а ж о н кетади.

(Тоҳирга.)

Қилармиз ҳурматинг бир оз уятгин.

Т о ҳ и р

Уят деб, ўтга ташлайми ўзимни.

М о ҳ и м

Қулоққа олмадинг ҳеч бир сўзимни.  
Қиларман илтижо ёринг бўлай деб,  
Не ёринг, дардингга доринг бўлай деб..  
Қувибдирлар экан юрту элингдан,  
Ниҳоятда ўжар жиннилингдан.

## Т о ҳ и р

Қувилдим юрту эл нафини кўзлаб,  
Қилич қаршисида мен рост сўзлаб.

(Ария.)

Таъсир этмас менга фусун ва губор,  
Йўлим олис, аммо унинг тонгги бор.  
Вафони истадим ҳар чоғ, мени жабру жафо истар,  
Жудоман ошнолардан, мени но ошно истар.  
Муҳаббат қотили сувга оқизди, ишқ жаллоди  
Фирибгарлик билан гўёки дардимга даво истар.  
У Зуҳрам мубтало, ишқида мен ҳам мубталосиман,  
Арода шум рақиб ажратмоқ истар, можаро истар.  
Безибман ваъдалардан, ваъда қилманг тахт  
ила тождан.  
Ситам бедодидан безган аламли дил шифо истар.

Онажон билан Алломатхон киради.

## М о ҳ и м

(кинояомуз)

Кўп гаҳ дедим, ҳеч қўлимга қўнмади,  
Тожу тахтни ваъда қилдим, қўнмади.

## А л л о м а т

Ҳаҳ-ҳа!.. Бундан чиқди: бу Хонбобо жосуси,  
Биз томонга бежиз оқиб келмаган.  
Шунинг учун келмагандир қолгиси,  
Хон юборган айёр экан, шум экан.

(Жуманиёзга.)

Тутинг уни, элтиб зиндонга ташланг.

(Жаҳл билан кетади.)

М о ҳ и м

Дорга осинг, гўшларини тарашланг.

(Отаси кетидан кетади.)

Т о ҳ и р

(мардонавор)

Келинг, боғланг қўлим, зиндонга элтинг,  
Ва ё осмоқ учун майдонга элтинг.  
Буни албатта, у Сардор эшитгай.

Ж у м а н и ё з

Эшитса не бўлур, кимдир у Сардор?

Т о ҳ и р

Ситам чеккан кишиларга мададкор.  
Тоҳирни боғлайдилар. Тоҳир гулни қўлдан қўймайди.

У р а з г у л

Қўлингга ушласанг яшнайди шунча.

Г у л ж о н

Сирини сўзла, қандайдир бу гунча?

## Т о ҳ и р

(ария хор иштирокида)

Гул эрмас, бу юрак-бағримнинг қони,  
Демай қон, балки бу жисмимнинг жони.  
Эй, дилда ҳаловатим, муҳаббат,  
Эй, сабриму тоқатим, муҳаббат,  
Чин йўлга далолатим, муҳаббат,  
Эй, бахту саодатим, муҳаббат.  
Гул ҳамдаму роҳатим, муҳаббат.  
Гул гунча, азиз юрак нишони,  
Ҳидлаш ила эслатур вафони,  
Ҳар барги юракнинг тоза қони,  
Ишқ булбулининг бу ошиёни.  
Ишқ касбиму одатим муҳаббат,  
Гул ҳамдаму роҳатим, муҳаббат.

Олиб чиқадилар.

## К а н и з л а р

Хўш, яхши топинг диёрингизни,  
Севган элингизни, ёрингизни.  
Ишқ аҳли қилур кўзига сурма,  
Босган изингиз, ғуборингизни.

## Т о ҳ и р

Ишқ касбиму одатим — муҳаббат,  
Гул ҳамдаму роҳатим — муҳаббат.

Узоқлашади, қизлар кузатиб қоладилар.

## П А Р Д А

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Тоғлар орасида кўркам ва гўзал манзара, дарё жиғалар орасидан ўйнаб оқиб бормоқда, тоғ бағрида ғор. Бу ғорга Сардор билан Ҳофиз ўрнашганлар.

Тонг пайти, осмонда Зухра юлдузи порламоқда, атроф жимжит, Ҳофиз ғор олдидаги супада кабоб елиб, ёлғиз куйламоқда.

### Ҳ о ф и з

Омон-омонда бўпти-я, омонёр-а,  
Қандай замонда бўпти-я, омонёр-а.  
Мамлакатнинг жилови-я, омонёр-а,  
Феъли ёмонда бўпти-я, омонёр-а.

Тоҳир бола той бўпти-я, омонёр-а,  
Зухра қадди ёй бўпти-я, омонёр-а.  
Тоҳир-Зухранинг ҳоли-я, омонёр-а,  
Ҳар ерда эртак бўпти-я, омонёр-а.

*(Кабобни олиб, ғорга киради, қайтиб қўлида кичик қумғонча, косада устида нон билан кабоб кўтариб, шошиб чиқади ва куйлашда давом этади.)*

Қодир болам оч қолди-я, омонёр-а,  
Тунда қўриқлаб толди-я, омонёр-а.

Ҳофиз узоқлашади, узоқдан товуш эшитилади.

I йигит

Эгамназар, ҳовв...

II йигит

Ҳоҳа-ҳоҳа-ҳоҳа-ҳоҳа-ҳо...

I йигит

Биз иккита одам тутдик сершубҳа...

II йигит

Кўзларини боғладингми?

I йигит

Ҳа-ҳа-ҳа...

«Э ссвгили диёрим» музыкаси бошланади, икки йигит Тоҳир билан  
Жуманиёзникиўз, қўллари боғлиқ, усти бошлари хароб, соч-соқол-  
лари ўсган ҳолда олиб кирадилар.

II йигит

Мен Ҳофизни айтиб чиқай, қараб тур.

(Ғорга чопиб кириб тополмай чиқади.)



Йўқ...

## I йигит

Изла, топ, тез югур.

II йигит тез кетади.

Тоҳир

(ария)

Э севгили диёрим, мен соғиниб зиёда,  
Тоғлар ошиб яланғоч, чўллар кезиб пиёда,  
Шаънингга куйладим куй ҳар жилға, ҳар қиёда  
Авжим фалакка етди, куй янгради фазода,  
Ичканда сувларингдан, маст этди худди бода.  
Боқдим сенга йироқдан, кўзга зиё кўриндинг  
Тортдинг ўзингга, менга оҳанрабо кўриндинг,  
Ҳар сабзаси ватаннинг, меҳригиё кўриндинг,  
Етмас умр қиларга йўл заҳматин ифода,  
Қилди яқин йироқни, шу бўлди бу ирода,  
Учди кўнгил қувончдан, рақс этди кенг ҳавода.

Ҳофиз қулоқ солади, сўнг яқин келади.

Ҳофиз

Э йигит кимсан ўзинг, айт, ҳолатинг бор ўзгача,  
Ё фалакдан етдиму кўп жавру озор ўзгача?

(Кўзини очади.)

Тоҳир

Сўрасангиз ҳолим менинг, айтиш учун лолдир тилим,  
Бошласам қиссам узун, қилганда изҳор ўзгача.

## Ҳофиз

(таажжубда ўзича шу сўзни қайтаради)

А?.. Бошласам қиссам узун, қилганда изҳор ўзгача?..

(Тиқилиб.)

Севганингдан мендек жудо ўхшайсан,  
Ғам остида қадди дуто ўхшайсан.

Тоҳир

Айтинг, ота, ўзингиз қай диёрдан,  
Бунда яшаш қандай бир ихтиёрдан?

Ҳофиз

Айтиб берай сенга дилдаги борим.

Қодир киради.

Абдуқодир...

Қодир

Лаббай...

Ҳофиз

Опчиқ дуторим.

Қодир қараб-қараб, ғордан дуторни чиқариб беради.

Қизим бор эди якка, исми Қамар,  
Оз эрди ҳусн бобида унга пар,

Бобохон солибдир баногоҳ назар,  
Каниз бўлди унга қизим муштипар,  
Алишди ситам, ғамга шодим менинг.  
Хотин ўлди қиз дардида, доғида,  
Қўшилдим талай халқ келар чоғида,  
Макон айладим дарё қирғоғида,  
Кезиб жилғалар бўйида, тоғида,  
Ҳаром бўлди сўнгра у водим менинг.  
Қодир!..

### Қ о д и р

Лаббай.

(Яқин келади.)

### Ҳ о ф и з

Қодир ҳам Қамар кўнгли пайванд эди,  
Асал бўлса Қодир, Қамар қанд эди,  
Бири вола шайдо, бири банд эди,  
Бирига бири бопу монанд эди,  
Чиқар энди оҳиму додим менинг.

### Қ о д и р

Солай ўт зулм тожу тахтига мен оҳи ишқимдан,  
Оқиб гўёки Тоҳир, ажралиб, танҳо  
бўлиб келдим.

### Т о ҳ и р

Келмишам мен кўп йироқдан,  
Дўстларим шод эткали.  
Ҳам бузилган кўнглини

Сўрмоқ-ла, обод эткали.  
Элу юртидан жудо бўлган  
Қадрдонлар билан,  
Евларим кўксин ёриб,  
Зулмини барбод эткали.  
Худди Мажнун чўл кезиб,  
Лайливашимнинг ишқида,  
Ҳам Ширин ёрим учун  
Мен ўзни Фарҳод эткали.  
Қўзғатиб кўнглимдаги  
Қаҳру ғазабни қайтаким,  
Соз чалиб, тушганда сиз  
Юз оҳу фарёд эткали.

### Ҳ о ф и з   в а   Қ о д и р

Англадинг, кимсиз? Ва, ё ошиқми, ё мард қаҳрамон,  
Хуш келибсиз, биз ғариб элларга имдод эткали.  
Хонбобо кўпни оқизди, Тоҳирий барнони ҳам,  
Берсангиз рухсат, тушайлик қиссани ёд эткали

### Т о ҳ и р

Танисангиз Тоҳиржонни, у қани?

### Қ о д и р

Бўлгандир у, ҳаққоний ишқ қурбони.

### Ҳ о ф и з

Хоннинг қизи Зухрага ёр эди у,  
Элга меҳрибону мадор эди у.

## Қ о д и р

Матонатда ундақаси эди оз,  
Унга шогирд эдим, у менга устоз.  
Аттанг!.. Уни энди тирик кўрмак йўқ.

*(Кўз ёшини артади.)*

## Т о ҳ и р

Афсусланма...

*(Хатни бериб.)*

Дўстларга жон тасаддуқ.

## Ҳ о ф и з

*(хатни Қодирга бериб)*

Хатни ўқи... Қани, ўқи-чи Қодир.

## Қ о д и р

*(ўқийди)*

...бу хиёнат бўлди Юлдуздан содир,  
Айтай дедим, вақту фурсат топмадим,  
Бу сирларни юрагимда сақладим.  
Ҳақ эдингиз, найранг билан боғлашди,  
Зухраҳоннинг юрагини доғлашди.  
Кўзимизга сурмадир сиз босган из,  
Хат ташловчи Қамар номли ёш каниз.

## Ҳофиз

(ганиб, қулоч ёмади)

Тоҳиржон!.. Етдим санга,  
Гўё қон юрди танга.

## Қодир

Оҳ!.. Устозим Тоҳиржон.  
Қучоқлашадилар.

Беғараз дўст, меҳрибон...

Орқада кўпчиликнинг хори, булар тўхтаб қулоқ соладилар.

## Халқ

Баҳор бўлса зўр дарёлар ўйнаб оқар,  
Ўйнаб агар оқмас бўлмас, кимга ёқар.  
Бешик-бешик оққанида тўлқинланиб.  
Тоҳир оққан сандиқдир деб, кўплар боқар.

## Тоҳир

Кимлар улар?

## Ҳофиз

Саргардон эл, сарсон эл.  
Сени ёдлаб, доим ўқир дoston эл.  
Абдуқодир!..

Қ о д и р

Лаббай...

Ҳ о ф и з

Бошлаб кир ғорга.

Мен тез бориб, хабар қилай Сардорга.

Қодир, Тоҳир билан Жуманиёни ғорга бошлаб киради, Ҳофиз кет-моқчи бўлиб турганда кийик кўтарган йиғитлар билан қўлига бургут қўндирган Сардор киради.

Таралла ялли-ялли-ялли,

Хуш келдингиз, балли-балли.

Хўп келдингиз, Сардоримиз. Омон бўлинг

С а р д о р

Салом Ҳофиз... Аҳвол қалай хушнуд чол?

Ҳ о ф и з

Кайфим баланд, жуда шодман оқсоқол

С а р д о р

Бунга сабаб?

Ҳ о ф и з

Азиз меҳмон топдим ман,

Ялла қилиб, ҳар томонга чопдим ман.

С а р д о р

Кимдир ўзи?

Ҳ о ф и з

Кулбаи ғамхонаси йўқ, ақли ҳуши бошидаю қошида  
Жононаси йўқ, осмоннинг тагида бундақа мардонаси  
Йўқ, чўлу биёбонни кезиб, ялла қилар, яллани  
Ҳам алла қилар. Ниққ куйида моҳир экан, ким десангиз:  
Машҳур ўша Тоҳир экан.

Ҳофиз Қодирга ишора қилади, Қодир ғорга чопади.

С а р д о р

Ундай бўлса, буғни чалинг, чақиринг,  
Эл тўплансин, тез келинг деб, бақиринг.

(Атрофни қараб.)

Қани менинг суянчиғим, мадорим?

Т о ҳ и р

(Ғордан чиқиб ўзини Сардорга отади.)

Омон-эсон келдим. Улуғ Сардорим.

Қучоқлашадилар.

С а р д о р

Қайси тўлқин кўмак берди бахтингга,  
Кимлар бакор келди оғир вақтингга.



## Т о ҳ и р

Оқиб бориб яна тушдим тузоққа,  
Айтай десам гап чўзилар узоққа.

(Жуманиёзни кўрсатиб.)

Сувдан, ўтдан мени озод қилган шу,  
Алломахон ҳукмин барбод қилган шу.  
Оғир чоғда ҳимоячим, паноҳим,  
Узоқ йўлда ҳам раҳбар, ҳам ҳамроҳим.

## С а р д о р

Баракалла!..

(Жуманиёзнинг елкасига қоқиб.)

Баракалла, кўп раҳмат.  
Тоҳир учун анча чекибсан заҳмат.

Ҳофиз буғ чалиб қайтади, халқ тўплана бошлайди, Сардор халққа  
муружаат қилиб.

Омон келди оқизилган мард Тоҳир.

## Х а л қ

Э хайрият...

Тирик экан баҳодир.

А бу л қ о с и м келиб, Тоҳир оёғига ўзини ташлайди.

## Абулқосим

Кечир бизни! Гуноҳқормиз биз сенга,  
Қандай қилиб боқайлик биз юзингизга?

Ашурмат

(Ўзини ташлаб)

Кечир бизни!

Тоҳир

Сандиқ хоннинг ижоди,

(Турғизиб.)

Соғ бормисиз, эзилганлар авлоди!

Ашурмат

Аввал қилсам сандиқ, жазо, ўлимга,  
Энди олдим халқ тешасин қўлимга.

## Абулқосим

Бизлар энди Сардор билан яшаймиз.

Ашурмат

Уй қурамыз, беҳақорат ошаймиз.

Сардор

Ҳофиз!..

## Ҳофиз

Лаббай...

## Сардор

Шодиёна бошлансин,  
Шод бўлишга бор баҳона. Бошлансин,  
Рақс бошлансин, қиздирилсин чирманда,  
Тоҳиржонни оқизганлар шарманда.

## Ҳофиз

*(чирманда чертиб, ўртага тушади)*

Вой, шаббодангни шамоли-я, э, дўстлар,  
Шод дуррадан рўмоли-я, э, дўстлар.

Аллакимни келтирган-а, Сардорим, хо-хо-хо:  
Аллакимнинг хумори-я, э, дўстлар.

## Хор

Аллакимни келтирган-а, Сардорим, хо-хо-хо,  
Аллакимнинг хумори, э, дўстлар.

## Ҳофиз

Қалдирғоч қаро бўлур-а, э, дўстлар,  
Қаноти оло бўлур-а, э, дўстлар,  
Ёшликда берган кўнгул-а, Сардорим, хо-хо-хо,  
Айрилмас бало бўлур-а, э, дўстлар.

## Х о р

Ёшликда берган кўнгул-а, Сардорим, хо-хо-хо,  
Айрилмас бало бўлур-а, э, дўстлар.

Рақс бошланади, рақс авжига етганда хассага таянган, усти боши  
йиртиқ Н о з и м кириб, йиқилади, ҳамма унинг бошига тўпланиб, сув  
ичкизадилар.

## С а р д о р

Сўзланг, шоир... Очинг, шоир, кўзингиз.  
Илҳоқдирмиз тинглаш учун сўзингиз.

## Н о з и м

(кўзи юмуқ)

Улгурмадим... Бу келишим бефойда...

## Х а л қ

Айтинг!.. айтинг!..

## Н о з и м

Тўй бошланар саройда...  
Қоработир Зухрага... Оҳ, сув беринг.

(Тутадилар.)

## Т о ҳ и р

(ўрнидан сапчиб туриб кетади)

Тор зиндондек менинг учун жаҳон тенг.

(Куйлайди.)

Уқубатларни чекдим, Хонбобо жаллод дастингдан,  
Харобу зор бўлдим, бўлмадим обод дастингдан.

Н о з и м

(қулоч ёзиб бақиради)

Тоҳирмисан?..

С а р д о р

Тоҳир келди. Э, Нозим.

Н о з и м

(ўрnidан турмоқчи бўлиб)

Кел, азизим Тоҳир...

Т о ҳ и р

(ўзини Нозим қучоғига ташлайди)

Улуғ устозим.

Нозим Тоҳир бошини кўксига босиб, аста силайди, рўмолчасини олиб,  
кўз ёшини артади.

С а р д о р

Зулм ила қон йиғласин эл беомон тоқайгача,  
Кўчаларда сарғайиб, ранги сомон тоқайгача.

Х о р

Кўчаларда сарғайиб, ранги сомон тоқайгача.

С а р д о р

Қўзголинг, э, зулмзада бечора эл, от ўйнатинг,  
Юртимизга Хонбобоҳон ҳукмрон тоқайгача.

*(Белидаги қилични счиб.)*

Тоҳир...

Т о ҳ и р

*(туриб)*

Лаббай...

С а р д о р

Сенга бўлсин бу қилич.  
Йўлга тушгин Қодир билан, қолмай кеч.  
Кезган чўлда боғу бўстон яратгин,  
Босган йўлда янги дoston яратгин.  
Мақсад учун юрсанг мўл йўл пиёда,  
Кўнглинг учар лочиндан ҳам зиёда.

*(Тоҳирнинг пешонасидан ўпади.)*

Ёр бўлсину ёр бўлсин, ёвга дунё тор бўлсин,  
Қўлингда ўткур қилич, минганинг тулпор бўлсин.

Т о ҳ и р

(қилични ўпиб)

Омон бўл, улуғ Сардор, яна кўп йиллар қадар,  
Сен берган бу қилични, Тоҳир душманга қадар.

С а р д о р

Қани, Ҳофиз, Қодир... Ҳамроҳ танланглар,  
Тез бошлансин завқу-шавқли яланглар.

Тоҳир атрофига йигитлар тўплана бошлайди.

Н о з и м

Йўлингиз оқ, қоғоз янглиқ, сут янглиқ,  
Олдин босинг чақмоқ янглиғ, ўт янглиғ.

(Тоҳирнинг пешонасидан ўпади.)

С а р д о р

Хушёрликни қўлдан берманглар ҳаргиз,  
Шоир билан мен етаман изма-из.

Ҳ о ф и з

(чилдирмани чертиб, ўртага тушиб, чарх уради)

Парпи Ҳофиз шодликдан-о, чирмандасин чалади,  
Шавқи ўйнаб, дарёга гулғулалар солади-ё.  
Тоҳир ёри боради.  
Айтинг учган турналар. Зухраҳонга хушхабар,

Жондан азиз, мўътабар, чин хуштори боради.  
Учраб қолса қиз Қамар, интизори боради-ё,  
Қодир ёри боради.

Кетувчилар Тоҳир кетидан йўлга тушадилар.

Х а л қ

(кузатиб)

Боринг, дўстлар, етинг дўстлар, эсон-омон,  
Тўлқин урган дарёлардек етинг равон.

П А Р Д А

#### ОЛТИНЧИ КУРИНИШ

Хонбобо саройининг ичкариси (ҳарам)да никоҳга тайёргарлик бормоқда, аммо к а н и з л а р д а н ҳеч ким хурсанд эмас, З у ҳ р а қора либосда фарёд чекмоқда, канизлар куйламоқдалар, икки янга никоҳ либосини кўтариб, Зуҳрага кийдириш тараддудида.

Х о р

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, тўйдир бугун ёр-ёр,  
Шўх куй эмас, мотамсаро куйдир букун ёр-ёр.

З у ҳ р а

(ария)

Оҳ-фарёдим фалакка чиқди бу вайронадан,  
Уз отам бағримга чўғлар босди оташхонадан,  
Ёр қилмоқчи менга ошиқ ясаб бегонадан,  
Нафратим тоши ёриб ўт у қаро пешонадан,  
Кесса бошимни қилич, кечмасман у мардонадан.



## Х о р

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, тундир букун, ёр-ёр.  
Шўх куй эмас мотамсаро, куйдир букун ёр-ёр.

## З у ҳ р а

Тош тупроқларни ургин кўзларига э, шамол,  
Дўл ёғдир, э, фалак, тўйхонаси топсин завол,  
Нағмагарлар кел ўзингга, чин умид созини чол,  
Раҳм этиб тангрим, бу тўйдан илгари жонимни ол,  
Жон қушим учсин қафасдан, тан деган ғамхонадан.

## Х о р

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, тўйдир букун, ёр-ёр.  
Шўх куй эмас, мотамсаро куйдир букун, ёр-ёр.

Зуҳра янгаларга нафрат билан қўлини кўтаради, улар қўлларида  
тўй либосларини кўтариб, тистарилиб чиқадилар, иккинчи томондан  
Қ а м а р кириб таъзим қилади.

## Қ а м а р

Жон маликам. Сизга янги бир хабар,  
Каптарларга қўшилди бир ёт каптар.  
Оёғига боғлагандир бир мактуб.  
Юлдуз опа олди.

## З у ҳ р а

## Чақир уни

## Қ а м а р

Хўп,

Қамар чиқаётганда, қўлида қогоз билан Ю л д у з кириб таъзим қилади.

## Ю л д у з

Хоразмнинг маликаси хат ёзган.

(Узатиб.)

Тоҳиржонни дарёдан у қутқазган.

## З у ҳ р а

(хатни шошиб очиб, ўқий бошлайди)

«...Сурар бизнинг саройда энди даврон,  
Валиаҳд деб, отам ҳам қилди эълон.  
Куёв бўлди менга, ёр бўлди менга,  
Дами гар кўрмаса, зор бўлди менга.  
Бўлакка энди сиз дилдорлиғ айланг,  
Унинг меҳрини дилдан фориг айланг.  
Бу хат ёзгувчинингдир номи Моҳим

(Хатни ўпади, кўзига суртади.)

Бу қизнинг сўзи рост бўлсин илоҳим  
Бу мактуб кўп азизу мўътабардир,  
Менинг-чун бу қувонч, шодлик хабардир.  
Бироқ Тоҳир у қизга ёр бўлмас,  
Орада аҳдимиз бекор бўлмас,  
Қилолмас кимса бу чин ишқни ғорат,  
Бу сўз Тоҳир учун туҳмат, ҳақорат.

(Аста, синиқ.)

Ҳаёт бўлса келар, истар мазорим,  
Эшитгай қабрдан фарёду зорим...  
Қўл кўтаради, Ю л д у з, Қ а м а р чиқадилар.

(ария)

Ишқ сели кўзларимда оз эмас, дарёча бор,  
Ёр меҳри дилга сиғмас, ҳасрати дунёча бор.  
Қилмасин тоғлар оғирлик нисбату даъвосини,  
Қайси тошлардирки вазни бу оғир савдоча бор.  
Ҳеч ошиқ чекмагандир Тоҳирим чекканларин,  
Қайси шайдонинг фироқи, дарди у шайдоча бор.

Ҳамма маъшуқларга тушган айрилиқ,  
Бор алам жам бўлса балким, дарди мен  
мендек эмас,  
танҳоча бор.

(Йиғлаб туриб, қора рўмолчага ўроғлиқ кичик  
шишани олади.)

Яқиндир шум рақиб, ёрим йироқда,  
Менинг васлим тилаб, ёв иштиёқда.  
Унга ёр бўлгуча битсин ҳаётим,  
Қолиб афсонада бечора отим...

(Шисхани олиб, ичмоқчи бўлади.)

Қ а м а р

(овози)

Жон маликам...

(Киради, қўлида гулдаста.)

Кўп меҳмонлар келишди,  
Она авлод, қадрдонлар келишди.

(Гулни беради.)

Зухра гулни истар-истамас олиб, назар ташлайди, шошиб ўртадаги  
қизил гулни танийди, олиб қаттиқ ҳидлайди.

Оддий халқдан арзон-гаров бу тортиқ.

З у ҳ р а

Бу ғунчанинг қадри жонимдан ортиқ...  
Олиб кириб, ўтқазинглар, кутинглар,  
Бу сирларни аммо маҳкам тутинглар.

Қ а м а р чиқади. Иккинчи ёқдан Ю л д у з киради.

Ю л д у з

Қози калон рухсатингиз кутмоқда,  
Айтдики: никоҳ вақти ўтмоқда.

З у ҳ р а

Бир соатга менга муҳлат берсинлар,  
Мен айтаман, ундан кейин кирсинлар.

(Кулимсираб.)

Меҳмон келган....

Ю л д у з

Хабарим бор, Зуҳрахон.

З у ҳ р а

Бу сирларни юрганлардан тут пинҳон.

З у ҳ р а кетади, афсусланиб қараб қолган Юлдузнинг кўзи кириб  
келган Х у с а й н г а тушади.

Х у с а й н

Кимлар келган. Англадингми, Юлдузхон?

Ю л д у з

Зуҳра она қишлоғидан кўп меҳмон.

Х у с а й н

Она қишлоқ? Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе!.

Ю л д у з

Ким келган?..

Х у с а й н

Ғофил бўлма

(аста)

Ўлган Тоҳир тирилган.

Ю л д у з

Шунақами?

Х у с а й н

Шундай!.. Тезроқ борайин.

Ю л д у з

(четга)

Қандай дарров пайқаб қолди бу хоин?

(унга)

Тўхтанг, тўн бор, кийиб кетинг.

Ю л д у з тез кетади, Хусайн қайтиб келиб, тахтга ўтиради.

Х у с а й н

(силаб)

Қани энди ўтирганим чин бўлса,  
Кошки эди тезроққина хон ўлса,  
Жаҳон билса: кимсан номим Хусайнхон.  
Юрагимда қолмас эди ҳеч армон...

Ю л д у з

(тўн олиб киради)

Бу тўн сизга хамир учидан патир. Зухрахондан...

(Кийдира бошлайди.)

Х у с а й н

(кия туриб)

Бу тўн, ўн тўнга татир. Қуллуқ, раҳмат.

Ю л д у з

(ханжар уради)

Ол бунни ҳам!..

Х у с а й н

У. йиқилади, Юлдуз унинг оғзини ёпади. **Аҳҳ!..**

Ю л д у з

Э малъун!..

З у ҳ р а ясанган, Қ а м а р билан киради.

З у ҳ р а

А!.. Қандай сир бу?..

Ю л д у з

(оёғига йиқилиб)

Янчдим кекса илонни,  
Ифлос, маккор ҳам ҳийлакор инсонни!  
Ўлдирмасам ишнинг чиқар расвоси.

## Қ а м а р

(ўзича)

Ўзини оқлаш, Юлдузнинг муддаоси.

Зухра ишораси билан қора пардага ўраб, иккиси судраб, ўликни олиб кетадилар, ташқарида Ҳофиз куйлайди.

## Ҳ о ф и з

Қалдиргоч қаро бўлур-а, қаноти ола бўлур-а,  
Ешликда берган кўнгул, айрилмас бало бўлур-а,  
Чип хушторинг келоди-я, севган ёринг келади.

Ю л д у з билан Қ а м а р кирадилар.

## З у ҳ р а

Топшириқни эсда маҳкам тутинглар,  
Хушёр бўлиб, меҳмонларни кутинглар.  
Ҳеч кимсани бу даргоҳдан жилгизманг,  
Дарвозадан ҳеч кимсани киргизманг,  
Базм бошлансин, шодиёна бошлансин,  
Шод бўлишга бор баҳона. Бошлансин.  
Рақс устида қўшиқларинг мавж этсин,  
Қанот боғлаб, кўк устида авж этсин.

Юлдуз, Қамар ҳар томонга чопадилар, ясанган қ а н и з л а р соз кўтариб, ҳар томондан салом бериб кира бошлайдилар, орқа йўлдан Қ а м а р шошиб кириб, Зухра қулогига шивирлайди, Зухра қувончдан бўйнидаги қимматбаҳо туморини узиб, Қамарга беради, ўзи ўртага келади, Қамар келган томондан Н о з и м киради, Зухра бориб, ўзини Нозимга ташлайди.

## Н о з и м

Ён э, шам, куйгали парвона келди,  
Асийру, зору муштоққона келди.



Кул э, гулгунча, келди зор булбул,  
Жудолиғ дардидан бемор булбул.

Х о ф и з чирманда чертиб кириб, таъзим қилади, сўнг ўртада куйлайди.

### Х о ф и з

Вай, шаббодангни шамоли-я,  
Шол дуррадан рўмоли.  
Тоҳиржонни келтирган:  
Зухраҳоннинг хумори-я,  
Севган ёринг келади.

Бунга «Тўйлар муборак» музыкаси уланади, ўқдек учиб, Т о ҳ и р куйлаб кира бошлайди.

### Т о ҳ и р

Тўйлар муборак, э, ёр жоним,

(Киради.)

Тўёна бўлсин тан бирла жоним.

### З у ҳ р а

Минг турли савдо кечмиш бошимдан,  
Гул гунча қондур зор инграшимдан.  
Гултожи, шаббу, чинни, хинолар  
Унди чаманда қонли ёшимдан.

## Тоҳир

Қайғунгни бас қил, э, меҳрибоним,  
Сен бирла даврон сургани келдим.

## Иккиси

Мен кўп соғиндим.

Бир томондан Қ а м а р қиради, ўзини Ҳофиз қучоғига отади, иккинчи томондан й и г и т л а р билан Қ о д и р қиради, Ҳофиз Қамарга Қодирни кўрсатади.

## Ҳофиз

Бирга келди севган ёринг. Кўришгин.

(Қодирга.)

Сени излар бу дилдоринг. Кўришгин.

Иккиси кўришадилар, бир четда сўзга киришадилар.

## Зуҳра

Хуш келибсиз, жондан азиз меҳмонлар.

## Ҳофиз

Хуш вақт бўлинг, э, вафодор мезбонлар.

## Юлдуз

(Тоҳир оёғига ўзини ташлаб.)

Муҳаббатда, эй, нодир.

Тоҳир

(жирканиб)

Юлдузмисан?

Ю л д у з

Тингланг арзим, баҳодир!

(ария)

Эй, баҳодир, қилмишимга лаҳзаи ғам тортаман,  
Турфа ҳолатлар кечирмакликда мулзам тортаман.  
Рашк қургур қўймади ўз ихтиёримга мени,  
Қийналиб жон, қилмишим жабрини ҳар дам тортаман.

З у ҳ р а

Жон Тоҳиржон, Юлдуз ўзини оқлади.

Қ а м а р

Бир илонни янчди, сизни ёқлади.

Меҳмонлар жой-жойларини оладилар, Зухра ишораси билан рақс бошланади.

Қ и з л а р

Ҳорманг энди эрлар марди паҳлавон,  
Ноҳақ қанча заҳмат чекиб, кўп ёмон,  
Сиз келдингиз, нурга тўлди ҳар томон.  
Хуш келибсиз, эй азизлар, меҳмонлар,  
Ҳайёр-ёр, меҳмонлар.

## Э р л а р

Қиш ўтганда баҳор келгай, ёз бўлгай,  
Заҳмат чекмай, чин муҳаббат оз бўлгай,  
Чин маъшуқда на ишва, на ноз бўлгай.  
Хуш вақт бўлинг, ширин сўзлар, мезбонлар.  
Ҳайёр-ёр, мезбонлар.

## Қ и з л а р

Бардош билан аста боссанг: йўл унгай,  
Номард ўсган боғ ўрнида чўл унгай,  
Мардлар ўтган биёбонда гул унгай.  
Хуш келибсиз, э, азизлар меҳмонлар.  
Ҳайёр-ёр, меҳмонлар.

## Э р л а р

Баҳор бўлса қор эрийди тоғларда,  
Булбул сайрар гул ишқида боғларда,  
Кўнгулларга алам тўлган чоғларда,  
Хуш вақт бўлинг, ширин сўзлар, мезбонлар,  
Ҳайёр-ёр, мезбонлар.

## Қ и з л а р

Машаққатсиз кўнгил тўлмас, шон бўлмас,  
Экмас бўлса, хирмон бўлмас, дон бўлмас,  
Зуҳраҳонга ҳар ким ҳам меҳмон бўлмас,  
Хуш келибсиз, э, азизлар меҳмонлар,  
Ҳайёр-ёр, меҳмонлар.

## Х а м м а

Ким қувибдир — мақсадига етибдир  
Бемақсадлар бунга ҳасад этибдир,  
Бевафолар ёрни ташлаб кетибдир,  
Хуш келибсиз, э, азизлар, меҳмонлар,  
Ҳайёр-ёр, меҳмонлар.

Юлдуз билан Қамар ҳар эшикка чошиб, хабардор бўлмоқдалар, рақс давом этаётганда, Юлдуз ҳаяжон билан кириб, Зухра қулоғига шивирлайди, шунинг устига куёв либосида Қ о р а б о т и р бостириб киради, рақс бузилиб, қизлар тум-тарақай бўладилар, меҳмонлар бир томон сурилиб, чиқа бошлайдилар.

### Қ о р а б о т и р

А!.. Тоҳиру!.. хуш келибсан, қон тортиб.

### Т о ҳ и р

Келдим яна, ёру қадрдон тортиб,  
Юртнинг меҳри тортиб, соғинган қалбим.

### Қ о р а б о т и р

Улим сандиғидан қутқазганлар ким?

### Т о ҳ и р

Висол иштиёқи, кўнгил армони,  
Юракнинг софлиги, ишқ шараф — шони.

### Қ о р а б о т и р

Не дейсан, ханжарда кўксингни тилсам.

Т о ҳ и р

Не дейсан, жонингга мен ҳам тикилсам.

Қ о р а б о т и р

(қилич суғуриб)

Улимга сен ўзингни чоғла тезроқ.

Т о ҳ и р

(қилич суғуриб)

Сафарга отлану бел боғла тезроқ.

Қиличбозлик бошланади, иккисининг ҳам қиличи синади, Қоработир ёнидан ханжар олади, шу пайт пойлаб турган Юлдуз Тоҳир ёнига тез етиб келиб, ханжар узатади. Ханжар билан олишувлардан кейин, Тоҳир Қоработирни ўлдиреди, шу вақт Хонбобохон товуши келади.

Х о н б о б о х о н

Вақт ўтмоқда, қачон ўқилар никоҳ!..

(Кириб кўзи Қоработир ўлигига тушади.)

Ким бўлди бу? Қоработир ўлган! Оҳ!..  
(Кўзи ханжар ушлаган Тоҳирга тушиб, тисарилади.)

Т о ҳ и р

Навбат энди сенга келди. Э жаллод!..

(Югуради.)

## Хонбобохон

Мени тезроқ қутқазинглар!.. Дод!.. Войдод!..

### Тоҳир

Пок ишқ ҳақи, қасос олай сендан хон.

Унгача, с и п о ҳ и л а р ёпирилиб кирадилар, Тоҳирни ўрайдилар.

## Хонбобохон

Қушхонага элтиб буни, сўйинглар.  
Ханжар билан кўзларини ўйинглар.

Олишувлардан кейин Тоҳирни боғлайдилар, ҳолдан тойган Тоҳир,  
баланд, мардонавор сўзлайди, Қ о р а б о т и р жасадини қорага ўраб,  
олиб кетадилар.

### Тоҳир

Ўларман, лекин ўлмас дostonим,  
Неча Тоҳир бўлур ҳар томчи қоним.  
Ҳазон бўлмас муҳаббат гулшани ҳеч,  
Заволга учрамас ишқнинг фани ҳеч.  
Яшар ишқу муҳаббат то жаҳон бор,  
Унутма Хонбобо, зинҳор, зинҳор...

Хон ишораси билан олиб чиқа бошлаганларида З у ҳ р а киради.

З у ҳ р а

Тоҳирим!..

Т о ҳ и р

Зуҳрам!..

З у ҳ р а

Зуҳра йўлини хон тўсади.

(йиғлаб)

Тоҳиржон... Тоҳиржон... Ер қолди дема,  
Тезроқ мен борарман ғариб ёнингга.

Т о ҳ и р

(қайрилиб)

Ишқнинг тақдири шу. Мендан койинма,  
Ором бўлолмадим сенинг жонингга.

Т о ҳ и р н и олиб кетадилар, Зуҳра отасига осплади.

З у ҳ р а

(ария)

Раҳм этиб, қоним тўкинг, ерларни сиз гулшан қилинг!  
Тоҳирим қабрини, мен Зуҳрага ҳам маскан қилинг!  
Тоҳирим ўлмоқ билан, қолсам ҳаёт, мумкин эмас,  
Ўлдилинг, мен ҳам борай, ер остида бир тан қилинг!



## Хонбобохон

(сўз)

Агар эҳтиёт бўлсанг, ғазабимга дучор бўлмай  
Қоласан омон.

### Зухра

То жоним бор: сенга бўйин эгмайман,  
Ўлдир майли, қарши бир сўз демайман.  
Кўксимни ёр, адолат қил, умрингда,  
Тоҳир каби ўлай жаллод қўлингда.

Хонбобохон Зухрага ханжар уради, Зухра йиқилади, узоқдан шовқинлар эшитилади, Хон ўзини йўқотади, қўлидан ханжар тушиб, қалтирайди. Шу пайт бир сипоҳ чопиб киради.

### Сипоҳ

Қочинг, шоҳим!.. Сардор саройга кирди,  
Қилич тортиб, қонга қон, деб қичқирди!  
Бу Сардорга жуда кўп халқ эргашган,  
Халқ ғазаби ортиқ ҳаддидан ошган.

## Хонбобохон

Эшикларни маҳкамланглар, ёпинглар,  
Сардорга йўл берганларни топинглар...

Сипоҳ тез кетади

Ким бор?.. Ким бор?..

Ғала-говур яқинлашади, хон бақирганича тез кетади, Зухра қўл  
чўзади.

### З у ҳ р а

Тоҳиржон... Тоҳиржон... Ер қолди дема,  
Зухра ҳам ёнингга боради букун... Тоҳиржон...

Жон беради, Ю л д у з чопиб кириб, ўзини унга ташлайди, унинг орқа-  
сидан Қ а м а р кириб, ўзини ташлайди.

### Ю л д у з

Учди ҳушим бошимдан, дармон кетди, Зухраҳон!

### Қ а м а р

Юрагингда ушалмай армон кетди, Зухраҳон!

Канизлар, энагалар йиглаб, Зухра жасадини ётқизиб, устига қизил  
ёпадилар, иккинчи томондан Тоҳирнинг жасадини оққа ўраб, олдиндан  
С ар д о р қиличини хасса қилган Ҳ о ф и з, Қ о д и р ва бошқалар  
кўтариб кириб ётқизадилар, бошлар ерга эгилган, ёлғиз Сардор кўта-  
рилади.

### С а р д о р

Алвидо, эй, чин мардликнинг нишони,  
Ишқ дунёсин бир нафаслик меҳмони.  
Ҳаёт бўлиб, ҳеч ҳаловат кўрмадинг,  
Йигитликнинг нашъасини сурмадинг...

Сукунат орасида Н о з и м кириб келади.

Н о з и м

Э, воҳ...

Ҳ о ф и з

Қўлдан бериб қўйдик Тоҳирни.  
Зухраҳон ҳам чавақланган...

Н о з и м

Ҳе, аттанг.

Бу жудолик, менга бу кенг жаҳонни,  
Бир товуқнинг кўзи каби қилди танг.

Хассага суяниб, қаддини букади, кўзларини артади, аста хор бош-  
ланади.

Х о р

*(Иккинчи кўриниш бошидаги хор музыкаси)*

Кўз тўла ёш, дил тўла афсус армон, алвидо!  
Қақшаган, куйган бадандан кетди армон, алвидо!  
Бўлдингиз қурбон етишмасдан висол айёмига,  
Чекдингиз шум айрилиқ дардини чандон, алвидо!

Хор пасаяди, унинг тепасида Нозим сўзланади.

Н о з и м

Ютди сизни юрт аждаҳоси, афсус, алвидо,  
Чин муҳаббат Тоҳири, Зухраси, афсус, алвидо!

Букди қаддим айрилиқ савдоси, афсус, алвидо!  
Кун келар, сизлар тирилгайсиз вафо бўстонида,  
Қилди қурбон бу ситам дунёси, афсус, алвидо!

Саҳна аста қоронғилашиб, орқа ёришади: Тоҳир ва Зухра сағаналаридан оқ ва қизил гул унган бўлиб, ўртадаги Қоработир сағанасидан униб чиққан қора тиканак оқ ва қизил гулни бир-биридан ажратиб турмоқда.

1938—1956.